

# ЎТМИШГА НАЗАР

2 MAXSUS СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2022

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Аззамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қызлар давлат педагогика  
университети

**Ульяева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ким - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боҳодир Жӯраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент аҳборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозогистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Дөгистон мустақил университети

**Иноятова Диларрам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов


**Контакт редакций журналов.** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Фирюза Абдурашидовна Мухитдинова</b> ИНСОН ҚАДРИ ВА ШАҲНИНИ УЛУГЛАГАН СИЁСИЙ ВА ҲУҶУҶИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	5
<b>2. Насиба Ибодуллаевна Абдуллаева</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ БАДИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖИДА “ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИННИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ.....	19
<b>3. Абдурахмон Абдумўминович Абдухалимов</b> ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИ МАКТАБЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	30
<b>4. Шаҳноза Асатуллаевна Абдураҳимова</b> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ТИБИЁТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ҲОЛАТИ (1941-1991 ЙИЛЛАР).....	38
<b>5. Очил Бўриев, Шерзод Искандаров</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР: САЙИДЛАР ҲОМИЙСИ.....	47
<b>6. Dildora Do'stmurodova</b> XIX-XX ASRLARGA OID FARFOR KOLLEKSIYALARINI TADQIQ ETISH (TOSHKENT MUZEYLARI FAOLIYATI ASOSIDA).....	54
<b>7. Зариф Рашитович Зоиров</b> ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МУСИҚА ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ.....	61
<b>8. Шерзод Абдиганиевич Искандаров</b> ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ.....	68
<b>9. Шерзод Абдуганиевич Искандаров</b> ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАОМЛАР.....	75
<b>10. Гулрух Ақмал қизи Қасимова</b> АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ТИБИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ ЁРИТИЛИШИ.....	81
<b>11. Улугбек Нигматов</b> ТАСВИРИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯ.....	87
<b>12. Махфузा Баҳриддиновна Маматова</b> ШИМОЛИЙ ЧОЙ ЙЎЛИ ВА УНИНГ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ.....	92
<b>13. Dilmurod Sunatovich Omonov</b> SHULLUKTERA ARXELOGIK YODGORLIGIDA 1989-YILGI OLIB BORILGAN ARXELOGIK QAZISHMA ISHLARI.....	97
<b>14. Абдилатип Абдирахимович Саримсоков</b> ЎЗБЕК ТАҚВИМИЙ МАРОСИМЛАРИ: ЧИЛЛА ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	104

<b>15. Баходир Босимович Тўйчибоев</b> ПЕТРОГЛИФЛАРНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ЎРНИ.....	109
<b>16. Феруза Раҳмоналиевна Ҳасанова</b> ЗИЁВИДДИН ҲАЗИНИЙ МЕРОСИ ВА УНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	115
<b>17. Холлиев А.Г.</b> РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТИДА БРИТАНИЯ САРМОЯСИ (XIX АСРНИНГ ОХИРГИ ЧОРАГИ – XX АСР БОШИ).....	121
<b>18. Бахтиёр Ҳалмуратов, Абдуллажон Пазилов</b> ФАРФОНА ВОДИЙСИ ЎЗБЕКЛАРИДА ШОМОНЛИК ЭЪТИҚОДИ: ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР КОНТЕКСТИДА.....	131
<b>19. Азамат Ҳолмуратович Шаймкулов</b> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ.....	137
<b>20. Назиржон Салижонович Яқубов</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ ВА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ТАРИХИДАН (Туркистон АССР, Хоразм ХСР, Бухоро ХСР ва Ўзбекистон ССР конституциялари мисолида).....	145
<b>21. Сулайманова Сохиба Баходировна</b> ИЛК ЎРТА АСРЛАР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА СУҒД ВОҲАСИ ТАРИХИ.....	155



ISSN: 2181-9599  
www.tadqiqot.uz

**Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова,**  
ЎзФА Тарих институти таянч докторанти

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ТИББИЁТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ҲОЛАТИ (1941-1991 ЙИЛЛАР)

**For citation:** Shakhnoza A.Abdurakhimova, THE STATE OF TRAINING OF MEDICAL PERSONNEL WITH HIGHER EDUCATION IN THE UZBEK SSR (1941-1991). Look to the past. 2022, Special issue 2, pp.38-46

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7219127>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ССРда тиббиёт кадрларни тайёрлаш, тиббиёт олийгоҳларининг қисқача тарихи, фаолияти, талабаларнинг миллий таркиби, ўзлаштириши, мутахассисларни тайёрлашда ўқитиладиган фанлар ҳамда совет даврида тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда олиб борилган сиёsat ёритилган. Шунингдек, тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда тақсимот масаласи, уларнинг дала мөхнатига жалб этилиши, бунинг оқибатида ўзлаштиришдаги салбий натижаларнинг намоён бўлиши, кадрлар сонини ортиши аммо сифат кўрсаткичининг пасайиши акс этган маълумотлар жадваллар орқали ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, фан, совет даври, тиббиёт кадрлари, тиббиёт олийгоҳлари, талабалар, мутахассислар, тақсимот масаласи, дала мөхнати, кадрлар.

**Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова,**  
Докторант Института истории АНУз

## СОСТОЯНИЕ ПОДГОТОВКИ МЕДИЦИНСКИХ КАДРОВ С ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ В УЗБЕКСКОЙ ССР (1941-1991)

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается подготовка медицинских кадров в Узбекской ССР, краткая история медицинских университетов, деятельность, национальный состав студентов, освоение, дисциплины, преподаваемые при подготовке специалистов, а также политика, проводимая в подготовке медицинских специалистов в советское время. Также вопрос распределения в обучении медицинских специалистов, их привлечения к полевому труду, в результате чего проявление негативных результатов в освоении, увеличение численности персонала, но информация, отражающая снижение показателя качества, освещается таблицами.

**Ключевые слова:** Узбекская ССР, наука, советское время, медицинские кадры, медицинские вузы, студенты, специалисты, вопрос распределения, полевая работа, кадры.

**Shakhnoza A. Abdurakhimova,**  
Doctoral student at the Institute of History  
of the Academy of Sciences of Uzbekistan

## THE STATE OF TRAINING OF MEDICAL PERSONNEL WITH HIGHER EDUCATION IN THE UZBEK SSR (1941-1991)

### ABSTRACT

This article discusses the training of medical personnel in the Uzbek SSR, a brief history of medical universities, activities, the national composition of students, mastering, disciplines taught in the training of specialists, as well as the policy pursued in the training of medical specialists in Soviet times. Also, the issue of distribution in the training of medical specialists, their involvement in field work, resulting in the manifestation of negative results in the development, an increase in the number of personnel, but information reflecting a decrease in the quality indicator is covered by tables.

**Index Terms:** Uzbek SSR, science, Soviet times, medical personnel, medical universities, students, specialists, distribution issue, field work, personnel.

### Кириш қисми (Introduction)

1930-йиллар бошидан совет ҳокимиятининг тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш борасида олиб борган таълим сиёсатида сезиларли ўзгаришлар кузатилади. 1930 ойида Ўрта Осиё Давлат университети тиббиёт факултети негизида алоҳида Самарқандада Ўзбек Давлат тиббиёт институти, бир йил ўтиб эса Тошкентда Ўрта Осиё тиббиёт институти ва 1937 йилда Тошкент давлат фармацевтика институти ташкил этилади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ССР Маориф комиссарлиги таассаруфидаги тиббиёт ўқув даргоҳлари республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги таассаруфига ўтқазилади. Эндиликда тиббиёт кадрларини тайёрлашда соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини ҳисобга олиш, таълим сифатини ошириш, амалий машғулотлар ўтқазишида даволаш муассасаларни клиник база сифатида жалб этиш ҳамда амалий машғулотлар билан бир вақтда беморларни даволаш, тиббиёт олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш мақсади белгиланган эди. СССР Марказий ижроийя қўмитасининг 1934 йил сентябр ойидаги Қарорига асосан барча тиббиёт институтларининг факультетлари 5 йиллик таълим тизимига ўтқазилди.

### Асосий қисм (Main part)

Айнан XX асрнинг 30-йилларига келиб совет тиббиёт тизими соҳасида амалга оширилган ушбу ўзгаришларни таҳлил қилгандан, энг аввало ўлкада давом этиб келаётган очарчилик, иқтисодий танглик, аҳолини қатағон ва сурғун қилиш оқибатида юзага келган демографик муаммолар, турли юқумли ва эпидемик касалликларни олдини олиш ва даволаш, таъкибга учраган табиблар ўринини совет андозасига кўра тайёрланган мутахассислар билан тўлдириш, расмий хужжатларга тарғиб этилган бепул тиббий ёрдам шиори орқали ўз тарафдорлари сонини ошириш ва ҳукмронлиги мустаҳкамлаш бош ғояси турганлигини унутмаслик зарур.

1940 йилда бутун СССР бўйича 155 минг 300 нафар шифокор бўлиб, Россияда 90 минг нафар, Украина ССРда 35 минг, Белоруссия ССРда 5200 нафар шифокор фаолият юритган бўлса, Ўзбекистон ССРда 3200, Қозоқистон ССРда 2700 нафар бўлганлиги ва бу кўсаткич билан энг пастки ўринларни эгаллаганликларини кўришимиз мумкин. Маълумки, уруш даврида эвакогоспиталларнинг ташкил этилиши, корхона-ташкилот ҳамда аҳоли эвакуациясининг бошланиши билан бу кўрсаткичлар яъни шифокорларнинг сонини ортишини кўрамиз.

### 1-жадвал.

#### СССРнинг шифокорлар билан таъминланиши (тиш шифокорларидан ташқари)

Худудлар	1940	1941	1942	1943	1944	1945
СССР	140.8	69.9	78.5	91.2	108.5	126.2
РСФСР	82.2	51.4	56.3	65.4	70.8	80.5

Украина ССР	33.4	-	-	5.8	15.6	21.4
Белоруссия ССР	4.2	-	-	-	2.0	2.6
Ўзбекистон ССР	2.8	4.9	5.1	4.8	3.9	3.5
Қозоғистон ССР	2.5	3.7	5.0	4.1	2.8	2.9

Жадвалдан уруш йилларида мутахассислар сони Ўзбекистон ССРга кўчириб келтирилган шифокорлар ҳамда тиббиёт ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари хисобига икки баробарга ортганигини кўришимиз мумкин.

Уруш давридан бошлаб тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш тизими уч йўналиш: 1) олий таълим, 2) ўрта маҳсус таълим, 3) қисқа муддатли ўқув курсларида олиб борилди. Натижада тўрт йил давомида 11750 нафар олий ва 6673 ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар тайёрланди.

Маълумки, совет таълим тизимининг бош мақсади коммунистик мафкурага содик кадрларни тайёрлаш бўлиб, бунда асосий урғу битирувчиларнинг қасбий кўникмаларига эмас, балки ғоявий чиникқан совет кишисини тарбиялашга эътибор қаратилган. Бундай қарашлар, ғоявий сингдиришлар 75 йил давом этиб, барча тармоқ ва соҳалар каби тиббиёт таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида сингдирилган эди. Хусусан, тиббиёт ўқув муассасалари олдида тезкор фурсатда малакали кадрларни тайёрлаш, илмий изланишларни асосан ҳарбий йўналишга йўналтириш белгиланган.

Айниқса таълим муассасаларида дарс бериш услуби ўзгача хусусият касб этди. Уруш йиллари умумий ўқув соатлари ва режаси қисқартирилиб, ҳарбий тайёргарлик соатлари кўпайтирилди. Ўқув дарсларининг асосий қисми ҳарбий-санитар таълим, ҳарбий-дала жарроҳлиги, юқумли касалликлар, эпидемиология ва ҳарбий гигиенага ажратилган эди. Фронтни малакали тиббиёт кадрлар билан тез фурсатда таъминлаш мақсадида 5 йиллик ўқув соатлари 3,5 йилга кисқартирилди. Шифокорларни фронт сарҳадларига сафарбар этиш ишларини жонлантириш мақсадида 4-босқич талабаларига муддатидан олдин ўқишни тамомлаш ва диплом бериш йўлга қўйилди. Бирок ушбу режа тайёрланган шифокорлар сифатига салбий таъсир этгани боис, 1942 йилнинг кузида тиббиёт таълим муассасалари одатий дарс режа ва соатларига қайтарилди.

1943-1944 ўқув йилида Тошкент тиббиёт институтига 2 578 талаба қабул қилинган бўлса, улардан фақатгина 10% яъни 236 ўзбеклар бўлган. 1945 йилга келиб 2078 талабадан 370 нафари маҳаллий мутахассислар бўлган. Жами икки ўқув йилида умумий микдорда 4556 нафар тиббиёт ходимларини тайёрлади, улардан 606 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлган. Миллий кадрлар сонининг кам бўлиши, ўз навбатида тиббиёт хизмат сифатига ҳам таъсир кўрсатган. Ушбу даврда Тошкент тиббиёт институтида 410 нафар профессор-ўқитувчilar фаолият юритиб, улардан 10 нафари хизмат кўрсатган фан номзодлари, 34 фан доктори, 40 нафар профессор, 63 нафар доцент ҳамда 104 нафар фан номзодлари фаолият олиб борганлар.

Самарқанд институти жамоаси уруш йилларида ўртacha ҳар йили 400 нафар мутахассис тайёрлади ва уларнинг кўпчилиги ҳаракатдаги армия сафига юборилди. Ўқитувчи ва талабаларнинг кўп қисми фронтга жалб этилиб, кўпгина илмий педагогик жамоаларнинг республикада бўлиши Ўзбекистон ССРнинг барча олий ўқув юртларининг бутун ўқув ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини Марказ андозасига яна ҳам яқинлаштириш, совет сиёсатининг чуқур сингдирилиши учун замин яратди.

Уруш йилларида Ўзбекистон ССРга Москва, Ленинград, Киев, Минск, Воронеж ва бошка шаҳарлардан 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия эвакуация қилинди. Кўчириб келтирилган олий ўқув юртлари, кўпгина илмий педагогик жамоаларнинг республикада бўлиши Ўзбекистон ССРнинг барча олий ўқув юртларининг бутун ўқув ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини Марказ андозасига яна ҳам яқинлаштириш, совет сиёсатининг чуқур сингдирилиши учун замин яратди.

Масалан, уруш йиллари Самарқанд тиббиёт институтига С.М.Киров номидаги Ленинград тиббиёт академияси, 4-Москва ва Днепр тиббиёт институтлари барча профессор ва талабалари билан Фарғонага кўчириб келтирилиб жойлаштирилиши ўқув жараёни, даволаш,

илмий-тадқиқот ишларининг ривожланиши билан бир қаторда совет ғоясининг сингдирилиши, совет мутахассисини тайёрлашда асосий омиллардан бирига айланди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзидагина уруш йилларида тиббиёт фанлари бўйича 111 нафар профессор ва доцент, улардан 62 нафари фан доктори ҳамда 49 нафари фан номзодлари бўлган.

### **Натижалар ва муҳокамалар (Results and Discussions)**

Тиббиёт соҳасини йўлга қўйиш билан бирга доришуносликка ҳам ургу бериш талаб этилган. 1942 йилдан Тошкент фармацевтика институти 72 нафар илк олий маълумотли доришуносларни тайёрлаб берди. Ўрта Осиё республикаларида ягона бўлган ушбу олий таълим даргоҳи СССР Олий таълим вазирлигининг 1959 йил 15 мартағи №360 сонли маҳсус буйруғига сиртқи таълим шаклида ҳам мутахассис тайёрлашни бошлаган. 1963 йилга келиб 1278 доришунослардан 5/1 қисми, яъни 233 нафари қишлоқларда фаолият юритган.

Бевосита ушбу йилларда таҳсил олган талабаларнинг миллий таркибига алоҳида эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бу кўрсаткичлар фоизлар нисбатида қўйидагича: Молотов номидаги Тошкент тиббиёт институтида 20 фоиз, Самарқанд тиббиёт институтида 17 фоиз ҳамда Тошкент шаҳридаги Ахунбобоев номли ўрта мактабда 35 фоиз, Самарқанд фельдшер-акушерлик мактабида 7 фоиз, Кўқондаги тиббиёт мактабида 11 фоиз бўлган, Бухоро вилояти фельдшерлик мактабида 50 фоизни ташкил этган. Миллий кадрлар сонини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирлиги СССР соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббиёт муассасалари қошида фаолият юритаётган тайёрлов курсларида таълим олувчи маҳаллий аҳолининг сонини кўпайтириш ва таъминот масаласида мурожаат этади. 1946 йил июль ойида Ўзбекистон ССР вазирлар кенгашининг Тошкент тиббиёт институтига 200 нафар, Самарқанд тиббиёт институтига эса 100 нафар маҳаллий аҳолини тайёрлов курсларига қабул қилиш бўйича қарори қабул қилинади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин олий тиббиёт таълим муассасалари 6 йиллик ўқиши тизимиға ўтказилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кадрлар сиёсатида ва бошқарув аппаратида янги давр бошланди. Ўзбекистон ССРда эса бу даврда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш жараёни кечди. ВКП (б) МҚ қарорларига мувофиқ ЎзССР КПСС МҚ котиби У.Юсупов кўплаб миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Унинг Ўзбекистон ССР пахтакорларининг 4-республика қурултойидаги чиқишли (1947 йил 7-10 феврал), ЎзССР ФА Илмий сессиясидаги (1947 йил 13 июн), ЎзССР КП (б) МҚнинг кадрлар масаласи бўйича йифилган мажлисидаги (1947 йил 8 июн), ЎзССР КП (б) МҚнинг 18 плениумида миллий кадрлар сонини оширишга ҳаракат қилган.

Ушбу даврда етишиб чиққан, малакали ва қобилиятли миллий кадрлардан, совет сиёсатининг қурбони бўлишига қарамасдан, қайта тура олган тиббиёт кадрларидан Махмуд Ходиев яъни Боту ҳамда Абдулла Қодирий Жулқунбойнинг фарзандлари Эркли Ходиев, Наима Махмудова, Хабибулло ва Маъсуд Қодировлардир. Улар турфа тақдирга ҳамда тиббиётга келишда турли ҳаёт йўлларини босиб ўтганлар. Аммо энг аянчли нотекс тиббиёт таълимдаги фаолият Хабибулло Қодировда кузатилган. Хабибулло Қодиров отасининг васиятига кўра 1936 йилда Тошкент тиббиёт институтига киради. Аммо сужъ сили касаллиги аниқлангандан сўнг, таълим муассасасидан таътил олишга мажбур бўлади. Бу орада 1938 йили унинг отаси халқ душмани деб эълон қилиниб қатағон қилинади. Хабибулло Қодиров эса Сибирга сургун қилинади. Аммо 1955 йилда миллий кадрлар билан таъминланиш масаласи қайта кўтарилади, Хабибулло Қодиров Тошкентга қайтиб, отасининг васиятига содик қолиб Тошкент Тиббиёт Олийгоҳига қайта ўқишига киради. 1961 йилда тиббиётнинг терапия йўналишини тамомлаб, турли ташкилотларнинг тиббиёт пунктларида ўз фаолиятини давом эттириб боради.

1947 йиллардан бошлаб олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқув-тарбия ишларни мағкуравий андозаларга солиш кучайди. Мутахассислик бўйича асосий фанлар юқлама соатидан қўра тиббиёт ўқув юртларида коммунистик мағкуруни шакллантирувчи “КПСС тарихи”, “Марксизм-ленинизм фалсафаси”, “Сиёсий иқтисод”, “Илмий коммунизм”, “Совет жамиятшунослиги”, “Коммунистик меҳнат ва диний хурофотга қарши тарбия” каби

фанларини ўқитишга урғу берилган. Масалан, Тошкент тиббиёт институтининг 1 ва 2 босқич талабалари учун мўлжалланган ўқув режасида “Марксизм-ленинизм фалсафаси” фани учун умумий 249 ўқув соатидан маъруза учун 149 соат ажратилган. Мутахассислик фани “Инсон анатомияси” фанидан эса 123 соат маъруза ўқилган. Бу эса ўз навбатида хақиқий шифокор мутахассисини эмас балки гояшунос кадрларни етиштириш сиёсати олиб борилганидан далолат беради. Хаттоқи институтлар фаолияти текширилганда, уларнинг етарли даражада гоявий-тарғибот ишларини олиб бормаётганлиги, бундай маъруза ва дарс соатларини кўпайтириш бўйича марказдан кўрсатмалар белгиланган.

Урушдан сўнг Тошкент тиббиёт институтининг аҳволи ҳар томонлама оғир ҳолатда бўлган. Жумладан, амалий машғулот олиб бориш учун клиникалар аянчли таъмир ҳолатида, уруш сабаб маблағ ажратилмаган, тиббиёт ускуналари етишмаган, сув ва иссиқлик тизими қувурлари ишламаган. Натижада институт ва шифохоналар тозалик санитар талабларга жавоб бермаган. Институтни керакли жиҳоз, ўқув адабиётлар ва илмий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси қоникарсиз бўлган.

Самарқанд тиббиёт институтида 18 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 63 нафар фан номзоди фаолият юритган бўлсада, ўз ўқув биносига эга бўлмаган. Ўқув машғулотлари мослаштирилган, Самарқанд шаҳар шифохонаси биносида ўтқазилган. Ушбу муаммо 20 йил давомида ечимини топмаган.

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг 1950 йил 7 марта “1950 йилда колхозларда хомиладор ва түккан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда болаларни тарбиялаш муассасаларининг сонини кўпайтириш, аёл колхозчиларга маданий ва майший хизмат кўрсатиш чоралари” тўғрисидаги №360 сонли қарорига кўра, Самарқанд, Наманганд, Қашқадарё вилоятларида болаларни яслиларга жалб қилиш ишларининг суст даражада олиб борилганилиги қайд этилган. Республикада пахтачиликни ривожланишида аёл колхозчиларнинг ўрни ва улкан хиссасини ҳамда уларнинг оғир жисмоний меҳнатга жалб этилганилигини ҳисобга олиб худудларда яслилар сонини кўпайтириш, аёл колхозчилар ва уларнинг болаларига тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган эди. Бу эса ўз навбатида қўшимча тиббиёт ходимларини жалб этиш, айниқса аёллар ва болалар касаликлари бўйича шифокорларни сонини ошириш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Олиб борилган тадбирлар натижасида республикада фаолият олиб борган олий маълумотли шифокорларнинг сони 991 нафарга, ўрта тиббиёт ходимлари эса 105 нафарга ортган. Бироқ хануз 172 та шифохона ва амбулатор поликлиникаларда кадрлар етишмаслиги кузатилган. Ҳусусан, 26 та туман марказларида акушер-гинеколог, 38 тасида фтизиатр, 17 тасида педиатр, 77 тасида дермато-венеролог, 9 тасида терапевт, 5 тасида хирург бўлмаган.

Ўзбекистон ССРдаги кадрлар тақчиллигини бартараф этиш мақсадида учинчи йирик тиббиёт институти очишга қарор қилинди. 1955 йил 25 августда СССР Министрлар советининг кўрсатмаси ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1955 йил 6 сентябрлаги 201-м сонли буйругига кўра Андижон тиббиёт инститuti ташкил этилди. Ушбу муассаса тарихан Фарғонага кўчириб келтирилган 4-Москва ва Днепр тиббиёт институтлари ўрнида ташкил этилиши ва худудий жиҳатдан учта асосий стратегик нуқталар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона вилоятларида жойлаштирилиши керак эди. Аммо Фарғона вилояти хокимлигининг институтни ташкил этиш учун жойи ва биноси бўлмаганлигини айтгани боис, тиббиёт олийгоҳи Андижон вилоятида ташкил этилган.

Дастлаб фақатгина даволаш-профилактика факультетдан иборат 9 та кафедра очилган, 1977 йилдан педиатрия факультети ҳам ташкил этилган. Институтнинг кафедралари Андижон шаҳар партия комитетининг собиқ биносига, ўқув биноси эса вилоят педагогика билим юртининг ётоқхонасига жойлаштирилган. Институт ўқув ишларини ташкил этишдаги жиддий муаммолардан бири бу – ўзбек тилида дарс олиб борувчи мутахассислар ва ўқув адабиётларининг етишмаслиги эди. Бундай ҳолат барча тиббиёт таълим муассасаларида учрайдиган муаммолардан эди. Масалан, Тошкент тиббиёт институтидан Андижонга биология ўқитувчиси бир ойлик хизмат сафарига ташриф буюради аммо Тошкентга қайтиб

келганидан сўнг талабаларга биология фани рус тилида ўргатилади. Бунинг натижасида илк ўқув йили даврида яъни 1955-1956 йилларнинг қишиқи сессиясида таҳсил олаётган 272 нафар талабалардан фақатгина 225 нафари имтихонни топширган, қолган 47 нафари эса фанларни ўзлаштира олмаган.

Шунингдек, Тошкент тиббиёт институтининг хисоботлари ўрганилганда, тиббиёт институтларининг ўқув дастурларига рус ва ўзбек тилини ўргатишни киритиш лозимлиги, ўзбек талабаларнинг рус тилини билмасликлари ҳамда мустақил равишда ўқув адабиётлардан фойдалана олмаётганликлари келтириб ўтилган. Тил масаласи ўзининг ечимини қисман бўлсада 1958 йилда “Медицина” яъни “Тиббиёт” нашриётининг ташкил этилиши ҳамда 1958-1965 йиллар давомида Олий таълим даргоҳи учун 24 та, ўрта тиббиёт билим юртлари учун эса 33 та ўзбек тилида адабиётлар нашр этилганлигини гувоҳи бўламиз.

Бу эса ўз навбатида ушбу даврларда яъни 1958-1965 йилларда тиббиёт соҳасида миллий кадрлар кўрсаткичининг нисбатан ортганлигидан, яъни 4 та тиббиёт олийгоҳида умумий 130 40 нафар таҳсил олган талабалардан 11 615 нафари миллий кадрлар бўлган.

Узбекистон ССРда туғилиш ва табиий ўсиш юқори бўлган минтақалардан хисоблангани боис 1963 йилда Самарқанд тиббиёт институтида педиатрия факултети очилди. Бироқ, мутахассислар етишмаслиги муаммосини ҳал этилмади. 1967 йилга келиб янги туғилган чақалоқлар сони 300 мингдан ошгани билан, болалар касалликлари сабабли ўлим кўрсаткичи ҳам ошиб борди. Жумладан, 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш хар 1000 аҳолига 1 178,6 нафарни ташкил этган бўлса, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда бир ёшгача бўлган хар бир бола бир йилда 2-3 ва ундан ортиқ марта касалликка чалинган. 1000 туғилган чақалоқлардан 30 нафари нобуд бўлган.

1968 йили Ўзбекистон ССРда 2284 педиатр фаолият юритиб, улардан 1883 таси шаҳарларда, 401 нафари эса қишлоқларда фаолият юритган. Энди шу рақамлардаги номутаносибликларга ҳам баҳо бериб ўтадиган бўлсак, туғруқ ёки бўлмаса серфандлик асосан қишлоқ қисмларда кўп кузатилишига қарамасдан кам сонли педиатрлар фаолият юритганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса кадрлар тақсимотидаги жиддий хато ва камчиликлардан бири хисобланади. Айрим қишлоқ ҳудудларида умуман олий маълумотли шифокорлар бўлмаган.

Олийгоҳларда ташкил этилган педиатрия факультетларини тамомлаган кадрлар мавжуд даволаш муассасаларидағи ўринларни тўлдирмасди. Республика бўйича 3 мингга яқин педиатр кадрларининг етишмаслиги кузатилган. Болалар касалликлари бўйича мутахассислар тайёрлашни марказлаштириш мақсадида 1972 йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижон тиббиёт институтларининг педиатрия факультетлари бирлаштирилиб ягона Ўрта Осиё педиатрия институти очилди. 1989 йилдан Тошкент тиббиёт педиатрия институти деб аталди. Институтда 40 дан зиёд кафедра, 300 ўринли клиника ҳамда 1977 йилдан докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Илмий кенгаш фаолият олиб борган.

СССР миқёсида хар 10 000 минг аҳолини шифокорлар билан таъминлаш кўрсаткичи СССРда 43 нафар, Ўзбекистон ССРда 33, КҶАССРда 25, Бухоро вилоятида 28, Хоразмда 29 тани ташкил этган. Натижада хар 1000 нафар болага 2,2 педиатр тўғри келса, Хоразм ва Бухорода бу 1,1 нафарни ташкил этган. Ушбу ҳолат хисобга олиниб, 1990 йил 1 сентябрдан Нукусда Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг филиали очилиб, 200 нафар талаба қабул қилинади. Ушбу даврда фаолият юритган шифокорнинг гувоҳлик беришича, болаларнинг ўлим кўрсаткичи шу даражада кўп бўлганки, улар чивин каби нобуд бўлган.

Совет хукумронлиги йилларида тиббиёт институтларида қатор жиддий муаммолар тўпланиб борди. Турли фан ва курслардан ўқув кўлланма ва дарсликлар етишмаган, борлари ҳам рус тилида бўлди. Шифокорлар, ўқитувчилар ўртасида таъмағирлик, пораҳўрдик каби иллатлар, қариндош-уруғчилик муносабатлари кучайиб борди. Масалан, биргина Тошкент тиббиёт институтининг ўзида уруғ-аймоқчилик, қариндошлиқ алоқаларининг кенг ривожланланлигини кўришимиз мумкин. Профессор Гершенович бошқарган тиббиёт клиникасида, қизи доцент лавозимида, кафедра мудири Слободин билан бирга турмуш ўртоғи

ишлиган. Шунингдек кафедра мудири Тереховнинг унинг ўғли ва икки қизи фаолият юритган. Аслида жамиятда мана шундай зиддиятлар авж олиши учун шароит тузумнинг маҳфий кўрсатмасида акс этган эди. Давлат хизматчилари, раҳбар ҳодимларнинг ойлик маошлари жуда оз микдорда белгиланган бўлиб, соғлиқни сақлаш, маъориф ва бошқа ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам бу муаммолар яққол қўзга ташланади.

Совет иттифоқининг таълим соҳасидаги яна бир муҳим сиёсаларидан бири, кадрлар тақсимотидир. Аммо ушбу тақсимот сиёсати ҳам адолатли равишда амалга оширилмаган. Хусусан, Ўзбекистон ССР тиббиёт олийгоҳларини тамомлаган талабалар асосан, чекка қишлоқларга ёки бўлмаса Сибир, Урал, Сахалинск, Владивосток, Хабаровск вилоятларига юборилган.

Кадрларни ҳудудларга тақсимлашда, мутахассислар тақчиллигини бартараф этиш эмас, балки кўр кўронга буйруқни бажариш, расмиятчиликка йўл қўйилган. Масалан, 1941 йилда Тошкент ва Самарқанд тиббиёт олийгоҳларини тамомлаган талабаларни тақсимлашда Ўзбекистон ССРнинг 75 фоиз ахолисига 600 нафар шифокор (қишлоқлар учун), қолган 25 фоиз ахолига эса 2000 нафар шифокор (шаҳар учун) тўғри келган. Шунингдек, уларнинг 5 йил давомида ишлаб бериши, 1 йил муддатга борганларнинг ўрнини алмаштириш масалалари ҳам ҳал этилмаган.

Хоразмга тақсимланган 33 шифокордан 27 нафари, Фарғонага 96 нафардан 76 нафари, Коракалпогистон АССРда 40 нафардан 27 нафари, Бухорога йўлланган 48 шифокордан фақатгина 29 нафари тақсимланган ҳудудларга етиб борган.

1951-1957 йилларда эса Бухоро вилоятига тақсимланган 252 нафар шифокордан 212 нафари, Хоразмдан 215 нафардан 143 нафари, Қашқадарёдан 57 нафардан 39 нафари ҳудудлардаги шароитларнинг ўта оғирлиги, уй-жой масаласининг ҳал этилмаганлиги ҳамда иш жойидан яшаш манзили орасидаги масофанинг олислиги, транспорт йўқлиги уларни шахарларда ишлишга бўлган интилишларини кучайтирган. СССРнинг бошқа республикалардан келган талабалар эса иқтисодий ривожланган, стратегик аҳамият касб этувчи ҳудудларга жойлаштирилганлигини қўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### 1961 йилларда тиббиёт олийгоҳларини тамомлаган талабалар тақсимоти

Ҳудуд	Умумий шифокорлар	СССР республикаларидан юборилганлар
Андижон	120	-
Бухоро	98	-
ҚҚАССР	105	-
Самарқанд	92	15
Сурхондарё	122	-
Тошкент вилояти	143	-
Фарғона	70	35
Хоразм	75	-
Тошкент шаҳри	121	1
Умумий	977	51

Тақсимланган мутахассислар ўзбошимчалик билан иш жойидан бошқа ҳудудларга ўтиб ишлиши тақиқланган эди. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи ҳамда СССР соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмасини тақдим этиш талаб этилган. Масалан, ҚҚАССР га тақсимланган шифокор ва икки нафар ҳамшира таътилдан сўнг ўз иш жойларига қайтмайдилар. Бундай ҳолат Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида ҳам кузатилиб, уларга нисбатан СССР олий совети президиумининг 1961 йил 14 июлдаги қарорини бузганликлари учун суд идоралари томонидан жавобгарликка тортилган.

Тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг ўзлаштириш масаласида ҳам муаммолар бўлган. Масалан, 1970 йилда АндМИ талабалари синовдан ўtkазилганда, уларнинг 80 фоизи, ТошМИ

талабаларининг эса 75 фоизи ўрта ва қониқарсиз билимга эгалиги аниқланган. Ҳеч бир талабаларнинг имтихонлардан аъло баҳога ўтмаганликларини ҳам ўзлаштириш даражаси паст бўлганлигидан далолат беради. Бунинг асосий сабабларидан бири, 5 сентябрдан то декабр охирига қадар пахта терими ва бошқа дала ишларига жалб этилганлигидадир. 1990 йилга келиб биргина ТошМининг ўзидан 28 нафар талаба кейинги босқичга ўтказилмаган.

Тиббиёт институтлари ва илмий-текшириш институтлари томонидан илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва илмий ходимлар тайёрлаш аспирантура ва докторантурда босқичида олиб борилган. 1964 йилда олий таълим ҳамда республика шифокорлар малакасини ошириш институтларида 145 та аспирант илмий фаолият билан шуғулланган. Олий маълумотли шифокор педагогларни тайёрлашда клиник ординатура ва талабалар илмий жамиятлари алоҳида аҳамияга эга бўлган. Хусусан, аспирантурага қабул айнан ушбу даргоҳлар орқали амалга оширган. Аспирантура ишлаб чиқаришдан узилмаган – 4 йил, ишлаб чиқаришдан узилган ҳолда – 3 йил давомида амалга оширилиши керак бўлган. 35 ёшгача бўлганлар ишлаб чиқаришдан узилган ҳолда, 45 ёшгача бўлганлар эса ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда таҳсил олиш учун аспирантурага қабул қилинганлар.

1920-1970 йилларда ТошМИда 885 нафар фан номзоди тайёрланиб, улардан 380 нафари, 168 нафар фан докторларидан 64 нафари туб аҳоли вакили бўлган. 1968 йилда фаолият юритган 666 нафар доцент ва ассистентнинг 280 нафари яъни 42 фоизи фан номзоди бўлган. Ушбу даврда Самарқанд тиббиёт институти томонидан 19 нафар фан доктори, 100 нафар фан номзоди тайёрланди. Аммо улар орасида ўзбекларнинг салмоғи камчиликни ташкил этган. Масалан, 19 фан докторидан фақат 4 нафари, 11 нафар доцентдан 2 нафари ўзбеклар эди. Умуман, институтда фаолият юритган 149 нафар ходимнинг 102 нафари европа миллат вакиллари бўлган.

1982 йили Ўзбекистон ССР тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлашда 4 та олий таълим муассасаси, 1 та фармацевтика институти ва 37 та ўрта тиббиёт билим юртлари фаолият юритган. Олий маълумотли тиббиёт кадрларининг йиллик ўсиш суръати 3.500, ўрта маълумотли кадрлар эса 9500 тани ташкил этган. Республикада 1982 йили шифокорлар билан таъминлаш 29,1 фоизга ошган бўлса 1979 йили ушбу кўрсаткич 26,1 фоиз бўлган. Ўрта тиббиёт ходимлари эса 74,4 дан 80,3 фоизга ошганлиги кузатилган.

### **Хулоса (Conclusion)**

Хулоса қилиб айтганда, совет даврида тиббиёт мутахассисларини тайёрловчи олий ўкув юртлари фаолияти қониқарсиз ташкил этиганилигини кўришимиз мумкин. Кадрлар тайёрлаш тизимининг ортда қолганлиги, замон талабларига жавоб бермаганлиги, ўкув жараёнининг моддий-техника ва услубий базасининг етарли даражада таъминламаганлиги, ўкув услубий, илмий адабиётларнинг танқислиги, таълим тизими ва даволаш муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тўлиқ ўрнатилмаганлиги, ўкув дастурининг факат 20 фоизини амалиётга ажратилганлиги, ўкув дастурлари қўпроқ шифокор тайёрлашга эмас, балки совет кишисини шакллантиришга қаратилганлиги, пахта яккахҳокимлиги таълми сифатида жиддий салбий таъсир кўрсатгани даволаш ишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирган.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Мохова А.В. Кадровая политика советского государства в 1930 х гг. в сфере здравоохранения (на примере Хакасии). История. – Москва.2014. – С.167. (Mokhova A.V. Personnel policy of the Soviet state in the 1930s. in the field of healthcare (on the example of Khakassia). Story. - Moscow. 2014. - P.167.)
2. Гитлин С. Национальные отношения в Узбекистане: иллюзии и реальность. – Тель-Авив, 1998. – С.304. (Gitlin S. National relations in Uzbekistan: illusions and reality. - Tel Aviv, 1998. - P.304.)
3. Ахмедов М., Азимов Р., Алимова В., Речел Б. Узбекистан обзор системы здравоохранения. Системы здравоохранения: время перемен. Ташкент. 2007. – С. 18.

- (Akhmedov M., Azimov R., Alimova V., Rechel B. Uzbekistan review of the health care system. Health systems: time for change. Tashkent. 2007. - P. 18.)
4. Асадов М.М. Репродуктивное здравоохранение: текущая ситуация, проблемы, определение приоритетов. Ташкент. 2012. – 150 С. (Asadov M.M. Reproductive health: current situation, problems, setting priorities. Tashkent. 2012. - 150 p.)
  5. Илхамов Ф., Якубовский Е. Узбекистан. Системы здравоохранения в переходной период. Ташкент. 2001. – С. 31. (Ilkhamov F., Yakubovsky E. Uzbekistan. Health systems in transition. Tashkent. 2001. - P. 31.)
  6. Кадыров А.А. История медицины Узбекистана. Ташкент. 1994. – С.178. (Kadyrov A.A. History of medicine in Uzbekistan. Tashkent. 1994. - P.178.)
  7. Махмудова Н.М. Очерки истории развития внутренней медицины в Узбекистане. Ташкент. 1969. – С.148. (Makhmudova N.M. Essays on the history of the development of internal medicine in Uzbekistan. Tashkent. 1969. - P.148.)
  8. Сиротинский М.Н. Здравоохранение Ташкентской области и перспективы его развития. Ташкент. 1975. – 110 С. (Sirotinsky M.N. Health care of the Tashkent region and prospects for its development. Tashkent. 1975. - 110 p.)
  9. Хамидуллина Э.Д., Ахмадуллин М.Л., Хамидуллин Р.Р. Подготовка медицинских кадров в условиях военного времени (1941-1945гг). Bulletin USPTU. Science, education, economy. Series economy. 2020. – С.124. (Khamidullina E.D., Akhmadullin M.L., Khamidullin R.R. Training of medical personnel in wartime conditions (1941-1945). Bulletin USPTU. Science, education, economy. Series economy. 2020. - P.124.)
  10. Халикулов Р. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг қарор топиши ва унинг салбий оқибатлари. Конференция материаллари. Самарқанд. 2011. –103 б. (Khalikulov R. The establishment of cotton monopoly in Uzbekistan and its negative consequences. Proceedings of the conference. Samarkand. 2011. -103 p.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

2 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 2

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000